

А.Қодиров,  
иктисод фанлари доктори, профессор

## ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ “ЎЗБЕК МОДЕЛИ” НИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТАЯНЧ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиёнасида ҳар биримиз ҳақли равишда қўлга киритилган ютуқларни сарҳисоблаб, тарихга айланиб бораётган ўтган йилларни кўз ўнгимииздан ўтказишга ҳаракат қиласиз.

Мустақиллигимизнинг қисқа тарихини хронологик жадвал сифатида тасвирламоқчи бўлсангиз, Президентимиз академик Ислом Каримовнинг танланган, йиғма жилдларини қайта-қайта қўлга олиб мутолаа қилинг. Аминмизки, мустақиллик йилларида яшаган ҳар бир кун, ҳар бир ойда бўлган янгиликлар, жамиятдаги ўзгаришлар кўз ўнгингизда гавдаланиб боради.

Ишлаб чиқариш даражасининг пасайиб бориши, истеъмол товарларининг етишмай қолиши, ҳатто республика очарчилик ёқасига келиб қолиш хавфининг пайдо бўлиши, истеъмол бозорига қўшни мамлакатлардан Россия Иттифоқи валютаси - рублининг кириб келиши, унинг исканжасида қолиш, нарх индекси инфляция даражасининг минглаб ўсиб бориши жараёнida халқни ўз мустақиллигига ишонтириб бориш, унинг бирлиги, ҳамфирлигининг сақланиши, етарлича валюта захирасига эга бўлмай устамонлик билан четдан кераклича озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиб, аҳоли очарчилигининг олди олиниши, миллий валютамизнинг чиқарилишига тайёргарлик ва уни муомалага чиқариш, қаттиқ пул-кредит сиёсатининг ўрнатилиши, барча МДҲ давлатлари ичидан биринчи бўлиб 1996 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш ўсишига эришиб, 2000 йилга келиб, миллий иқтисодиётнинг кўпчилик тармоқларида, айниқса аҳоли яшаш шароитининг 1990 йил даражасидан юкори бўлишига эришишини таъминлаган бозор иқсодиётига ўтиш ва жамиятни демократик қайта қурилишининг “ўзбек модели” ҳисобланади.

Тўғри, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида “катта оғаларимиз” ташқаридан ўз таклифларини киритмоқчи бўлдилар. Бирор “**फалаж қилиб даволаш**” йўлини таклиф этса, иккинчиси Ўзбекистонга “**турк модели**”ни, учинчиси Жанубий Корея давлати билан хамкорлигимизни кўриб, Кореяча модель Ўзбекистон келажагини белгилайди, деб даъво қилдилар. Улар ўз тарбиялари ва билимлари даражасида хулоса қилганларки, ҳар бир мустақилликка эришган мамлакат халқининг ўз урф-одатлари, удум ва дунёқарашидан келиб чиқиб иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий базани шакллантириш зарурлигини тушунмас эдилар.

Мазкур ҳолатларни инобатга олган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос “ўзбек модели”ни бугун ҳақли равишда жаҳон олимлари томонидан ўрганиб талқин қилишса, ўйлаймизки, янгича бир дунёқарашга эга бўлар эдилар. Республика Президенти томонидан кўрсатиб берилган шаклан оддий, лекин мазмунан кенг маънени англатувчи бозор иқтисодиётига ўтишнинг тарихий беш тамойили демократик жамият қуриш “ўзбек модели”нинг ўзагини ташкил этади.

**Иқтисоднинг сиёсатдан устунлигини Давлат бош ислоҳотчи сифатида қонун устуворлигига асосланиб, ижтимоий ҳимояни йўлга қўйиб, босқичмабосқич ривожланиб бориш “ўзбек модели”нинг беш тамойили бўлиб, уларнинг ҳар бирини илмий ўрганиш мақсадга мувофиқдир.**

Тамойиллар бу бироннинг хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмаган ва ўзгартирилишига йўл қўйилмайдиган тушунчалардир. Даставвал ўтказиладиган ислоҳотларнинг мақсади, йўналиши, даражаси, кенглиги ва вакт бирлигини кўрсатиб, улар ижросини таъминлаш учун юзлаб, керак бўлса, минглаб тадбирларни ўтказиш зарур бўлади. Демократик жамият қуришнинг бош меъмори ҳисобланган Президентимиз томонидан “ўзбек модели”да тўғри белгиланган беш тамойилдан ташқари ўтказилаётган ислоҳотларни таянч нуқталари ҳам тўғри белгиланиб олинди. Аслида уч бурчакли асосга эга бўлган ҳар қандай жисм мустаҳкам ўрнашганидек республикамиз мустақиллик йилларида ўтказилган ислоҳотлар:

- миллий валютамизни муомалага киритиш, пул муомаласини тўғри ташкил қилиш орқали сўмнинг халқаро нуфузини ошириб бориш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- янгича онг ва тафаккурга эга, юрт мустақиллигини қадрлайдиган кадрлар ва раҳбар ходимлар тайёрлашдек ушбу глобал ўзаро узвий боғлиқда бўлган учта муҳим таянч масалаларни тўғри ташкил этиш, йўлга қўйиш ва шу йўналишда ишларни олиб боришга қаратилганки, улар юртбошимиз таъбирича, жамият қурилишида ҳар доим устувор бўлиб қолаверади.

**Ҳар қандай ҳақиқат илмий мушоҳада ва самимий баҳслашувларда яратилганидек, юртимиз мустақиллигининг шонли 20 йиллик тарихини ўрганиб, жаҳон ҳамжамиятлигига демократик жамият қурилишининг “ўзбек модели” ва унинг устқурмаси ҳисобланмиш бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили ҳамда ривожланишининг мустаҳкам асоси, базиси ҳисобланган учта таянч устувор вазифанинг кун тартибиға қўйилиши, ташкил этиш ва ҳал этилишига қилинган чора-тадбирларни кўрсатиб бериш ҳар бир зиёли, илмли инсонларнинг вазифаси деб ҳисоблаймиз.**

Демократик жамият қурилишининг “ўзбек модели” устқурмаси ҳисобланмиш бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили ва унинг базиси бўлган уч таянч устувор вазифани ўрганиш йирик илмий иш мавзуси бўлиб, мақола ҳажмида мазкур йўналишнинг иккинчи қисми устувор вазифаларни ўрганишга қаратилган алоҳида чизгиларни баён қилиш билан чекланамиз.

Юқорида номлари батафсил келтирилган вазифалар - пул муомаласини бошқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда кадрларни тайёрлаш деб қисқача белгилаб олиб, биринчидан, улар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқ эътироф этиш зарур.

Кўринишидан ушбу вазифалар орасида пул муомаласини бошқаришининг бирламчи ўринга чиқариб кейингилари уни тўлдиради, - деб айтиш мумкин эди. Лекин фикримизча, мазкур вазифалар ҳар бири алоҳида мустақил устувор йўналиш бўлган учун ҳам жамият ривожланишининг таянч асоси ҳисобланади. Улар мустақил бўлганда ҳам ўзаро боғлиқликда бўлади.

Пул муомаласининг тўғри ташкил қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиrsa, шу асосда товар бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат барқарорлашса, пул муомаласи ҳам мустаҳкамланиб боради. Республика Президентининг **“Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлиқ, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалавериши, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ”**, – деб билдирган қисқа, бир фикрлари **биринчидан** кадрлар тайёрлаш вазифасининг нақадар устувор ва доимий хусусиятга эга эканлигини кўрсатса, иккинчидан биз қандай вазифаларни бу пул муомаласи бўладими ёки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, охир-оқибат кадрлар масаласи билан боғлиқ бўлади. Яъни, пул муомаласини тўғри ташкил этиш ёки тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам ўқимишли, юқори савияли кадрлар керак. Демак, мазкур учала таянч устувор вазифалар ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланади.

**Иккинчидан**, демократик жамият қурилишининг учала таянч устувор вазифалари ўзаро боғлиқлиқда бўлгани билан ҳам мустақилдир. Бугунги кунда ЯИМнинг 52 %дан ортиғини яратиб бераётган ёки истиқболда ушбу кўрсаткични 70-80 % етказиши мумкинлиги кутилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, мустақил ва устувор вазифадир. Иқтисодиётнинг томирдаги қони сифатида бадиий тасвиранадиган пул муомаласининг тўғри ташкил этилиши эвазига ҳам иқтисоднинг ўсишига ва фаровонликка эришиш мумкин. Шунинг чун ҳам у устувор ва мустақил вазифа сифатида ўрганишга лойиқdir. Ҳар иккала устувор вазифани амалга оширувчиси мустақиллигимизнинг мазмун - моҳиятини тушунган, унга содик, ўқимишли, ўз касбининг устаси кадрлар салоҳиятидир. Демак, кадрлар тайёрлаш даврий аҳамият касб этмай доимий ва устуворлиги жиҳатдан мустақил вазифадир.

Мазкур вазифаларнинг бирини бошқаларига нисбатан аҳамиятлироқ, деб хулоса қилиш, бизнингча, нотўғри. Уларнинг ҳар бирини мустақил ўрганиш жараёнида моҳият, мақсад ва вазифалари кенгроқ намоён бўлиб боради. Масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласини ҳуқуқий, меъёрий, амалий ва илмий йўналишларда ўрганиш бугунги кунда юқори даражада қамраб олинган. Чунки Президентимиз томонларидан, мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб, аҳолининг истеъмол товарларига ўсиб борувчи эҳтиёжини тезроқ қондириш ва янги иш жойларини яратишга кичик бизнесни ривожлантириш орқали яқин йилларда эришиш мумкинлигини кўрсатиб, айниқса 2011 йилни мазкур соҳани ривожлантириш илини деб эълон қилиниши ҳам бунга бир сиёсий асос яратди.

Кейинги таянч, устувор вазифалардан кадрлар тайёрлаш бугунги кунда фақат ҳуқуқий, меъёрий ва амалий йўналишларда ўрганилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб тўлиқ амалиётда жорий этилди. Ўн икки йиллик мажбурий таълим тизими, бакалавриат ва магистратуралар орқали

юқори малакали мутахассислар тайёрланаётган бўлса, **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши ҳамда Банк - молия академиялари орқали раҳбар мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.** Лекин ушбу қўлга киритилган ютуқларни ўрганиб, уларни такомиллаштириш, кадрлар тайёрлашни пастдан юқорига элтувчи мужассамлашган тизимини доимий, бир меъёрда ишланиши, кадрлар дунёқараши, эътиқоди ва ишбилармонлигини ривожлантириш концептуал тизимини ва бошқа, кунлик ҳаётдан келиб чиқувчи вазифаларни ўрганиб, ҳал қилиб берувчи илмий мухит юзага келмаяпти.

Мустақиллигимизнинг биринчи йилларидан кадрлар тайёрлаш тизимини илмий ўрганишни йўлга қўймаган эканмиз, 20 йиллик шонли тарихимизда мустақил мамлакатнинг янги кадрлари ва раҳбар ходимларини тайёрлаган миллий дастуримиз, яратилган янги тизимнинг илмий асосланган якуний натижаларини жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиш вақти келди.

Пул муомаласини барқарорлаштириш масаласи ҳам қонуний, меъёрий ва амалий жиҳатлардан мустақил асосларга эга. Мазкур масалани фан жиҳатидан ўрганилмаяпти десак, албатта нотўғри бўларди. Республикамиз пул тизими ва уни бошқариш алоҳида докторлик ва номзодлик диссертациялари мавзуси бўлган бўлса-да, лекин бу кундалик ҳаётимизда мавжуд бўлган муаммоли масалаларнинг ҳал қилинишида денгиздан бир томчи сифатида изсиз бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида ҳимоя қилинган илмий ишларни варақлар экансан, беихтиёр, **“наҳот республикамида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни ўрганган чет эллик профессорлар мавжуд бўлса, ёнки “ўзбек модели” бошқа юртларда яшаб ижод этган олимлар дунёқарашига мос келса”**, деб фикр қиласан. Чунки бўлажак олимларимиз ўзлари ўрганаётган масалани бошқа юрт иқтисодчилари ҳам ўрганаяптилар деб, ҳатто баъзилари бутун илмий ишларида келтирган фикрларни хориж олимлари фикрлари билан маъқулламоқчи бўладилар.

**Республикамиз 1992 йил 2 июлда Халқаро валюта фондига аъзо бўлди, у билан тузилган шартноманинг 8 банди, яъни миллий валютамизни жорий операциялар бўйича тўлиқ эркин алмаштириш талабларини 2003 йил 15 октябрда қабул қилинди.**

Ушбу ҳолатни жаҳон тажрибасида кўрсак. Буюк Британия ва Франция давлатлари Халқаро валюта фондига 1945 йилнинг 27 декабрида аъзо бўлган бўлсалар, ўзаро келишувнинг мазкур бандини фақат 1961 йилнинг 15 февралядан бажаришга киришган. Греция ва Хитойда эса бу жараён 1996 йилнинг 1 декабридан бошланган. Бизда миллий валютамизни 1994 йил 1 июлдан муомалага киритилганлигини эътиборга олсак, 9 йилда унинг жорий амаллар бўйича эркин айирбошланишига эришдик. Демак, бу соҳада ҳам билдирилган эътиrozларни ўринсиз деб ҳисоблаймиз.

Мустақиллигимизга сиёсий жиҳатдан эришган 1991 йил 31 августдан бошлаб, барча истеъмол товарларига талабимизни ички имкониятлардан таъминлай олмас эдик. **Биргина ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари**

**импорти учун йилига 900 млн. АҚШ доллари сарф қилинар эди. Ёки 500 минг тоннадан хам кўп пахта толасини сотишдан тушадиган валютани четга бериб юборар эдик.**

Ёки ёқилғи мустақиллигини олсак. Вақтида валюта захираларимизни эҳтиёт қилиб Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қурмасак ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта таъмирламасак, бугунги жаҳон бозорида нефтнинг нархини юқори бўлганидан қўшимча валютани қаердан олардик?

Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Қурилган янги темир йўллар дейсизми ёки автомобиль заводлари, иқтисодиётни маҳаллийлаштириши ёки экспортбоп ва импортни ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришми, булар барчаси валюта захираларимизни тежашга олиб келади. Бугунги кунда Республика Марказий банки маълумотларига қараганда, Халқаро валюта фонди томонидан валюта захирасига қўйилган талабни 6 баробардан кўпга бажариб турган пайтда хам уни иқтисод қилишни оқилона сиёsat деб билишимиз керак.

Келтирилган фикрлардан хulosа қилиш мумкинки, **республикамиз миллий валютасини чет эл валютасига эркин айрбошлашда ҳеч қандай тўсиқлар йўқ**. Лекин ушбу саволни берувчи ҳар бир кишига, давлатимиз раҳбарининг қайта-қайта таъкидлаган бир фикрлари, яъни миллий валютамиз олтин-валюта захираси билан таъминланиб, уни чет элларда эркин алмаштиришга эришиш кераклигини эслатишимиз жоиз. Шунда демократик жамият қурилишининг “ўзбек модели”да юритилаётган валюта сиёsatининг тубмоҳиятини тушунамиз.

Пул муомаласини барқарорлаштириш вазифасини илмий ўрганиш жараёнида билдирилган кейинги эътиrozлардан бири - **чет элдан молиявий ёрдам ёки грант шаклида келган маблағларни мижоз хоҳлаган банк ва хоҳлаган вақтда ололмаслигини, даъво қилишади**. Тўғри, Республикамиз Марказий банкининг кўрсатмасига биноан, бундай маблағлар фақат Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият миллий банки ва Асака давлат акциядорлик тижорат банклари орқали Республика Марказий банки қошидаги маҳсус комиссия руҳсатидан кейин берилади. Бундай жараённи оқлаб исботлаш учун фикр келтирмай, бугунги кунда 80 ёшни қоралаган, жаҳонда ўзини молиявий бозор ўйинчиси деб эътироф этиб юрган миллиардер Ж. Сороснинг қуидаги сўзларини эслатиб ўтамиз. Яқин ўтмишда эндиғина мустақилликка эришиб, биздек янги жамият қураётган Грузия, Украина ва ҳатто қўшнимиз бўлган Қирғизистон Республикаларида бўлиб ўтган рангли тўнтаришлар Ж. Сорос маблағлари эвазига бўлди, - деб жар солишини ўзи хам ҳар бир эркесвар, мустақиллигимизнинг қадрига етувчи, халқимизни тинчлигини ҳимоя қилувчи инсон учун тушунарли бўлса керак ва бизларга найзадек санчилиб келаётган асли манбаси аниқ бўлмаган пуллар исканжасидан халос бўлиш йўлини тўғри танлаганимизни қўллаб-куватлайди, деб ўйлаймиз.

Пул муомаласини барқарорлаштиришни илмий ўрганишда олимларимиз республикамизда олиб борилаётган қаттиқ пул-кредит сиёsatи натижасида монетизация коэффициентини 20-22 %дан ошмаслигини **“пул очарчилиги”**га

олиб келади, - деб эътиroz билдирадилар. Бир қарашда ушбу фикрлар тўғри бўлиб кўринади. Чунки мазкур кўрсаткич Хитой Xалқ Демократик Республикасида 200 %гача бўлади, Японияда 100-130 %гача, Европа мамлакатларида ўртacha 70 %дан кўп бўлган монетизация коэффициентини 2002 йилда 12,8 %дан 2003 йилда 10,9 %га тушурган ҳолда қаттиқ пул-кредит сиёсати асосида 2003 йил 15 октябрдан бошлаб миллий валютани жорий операциялар бўйича очик айирбошлишга эришдик.

Демакки, иқтисодий ривожланган мамлакатлар пул массасини кўпайтирганда ҳам унинг товар билан қопланганлик даражаси паст бўлмайди. Ёки пулнинг кўпайиши истеъмол бозорини издан чиқармайди. Ривожланаётган мамлакатларда истеъмол бозорини доимий, меъёрдан ошиқ товар бойликлари билан таъминлаб қўйилмас экан, пул массаси кўпайиши талабни кўпайтирган ҳолда истеъмол нархларини ошириши ва шу асосда инфляциянинг жадаллашишига олиб келиши мумкин.

Ўйлаймизки, монетизация даражасининг пастлигини танқид этувчиларга юқорида келтирилган фикрлар етарлича изоҳ бўла олса керак.

Демократик жамият қурилишининг “ўзбек модели”ни базис пойдевори ҳисобланган учта таянч устувор вазифани ўрганиш даражасини таҳлил қилиб, танқидий фикрларни, айниқса пул муносабатларини барқарорлаштириш масаласида бизга мурожаат этилган асосий саволларга жавоб бериш орқали мазкур устувор таянч вазифанинг илмий ўрганилиш даражасини кўрсатиб бердик.

Мақсадимиз мазкур мақолада кўтарилиган масалалар демократик жамият қурилишининг **“ўзбек модели”** устқурмаси ҳисобланмиш беш тамойили ва унинг базиси бўлмиш учта таянч устувор вазифаларни мақола даражасида илмий ўрганиш, уларни тўлиқ таҳлил ва мушоҳада қилиб хulosа бериш эмас, балки мазкур масалаларни ўрганиш кун тартибида қўйилиши даражасида тушунмоқ керак. Тарих беш тамойилнинг моҳият ва вазифаларининг ўрганилиши масаласи эътиrozларга эга бўлмаса-да, уларни жамият қурилишида устқурмавий масалалар даражасида кўтарилиши тортишувларга сабаб бўлиши мумкин ёки иқтисодий базиси сифатида учта таянч устувор вазифанинг кун тартибига қўйилиши олимларимиз томонидан катта эътиrozларга учраши мумкин.